



# Имом ал-Бухорий сабоқлари

маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал



4/2012

# Мундарижа

|                                                                                                                                    |            |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|
| Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат<br>Dinlararo bag'rikenglik – taraqqiyot omili .....                                           | 243<br>244 |
| Абадий барҳаёт Китоб<br>«Мусхафи Усмоний»ни ўрганамиз (давоми, бошланиши ўтган сонларда) .....                                     | 245        |
| Имом Бухорий издошлари<br>Ас-Сағоний. «Асоми шуйху-л-Бухорий» (давоми, бошланиши ўтган сонларда) .....                             | 247        |
| Мустаҳкам Оила йилига<br>Х.Хонимов. Оилаларимиз мустаҳкам бўлсин! .....                                                            | 248        |
| А.Собиров. Ислонда оила қуришга бўлган эътибор .....                                                                               | 250        |
| Имом ва жамият<br>О.Маҳмудов. Мустаҳкам оила – юрт таянчи .....                                                                    | 253        |
| А.Махсимов. Ифтихор .....                                                                                                          | 254        |
| Мовароуннахрлик алломалар<br>С.Жамалов. «Ал-Фавоид ал-баҳиййа»даги сифноқлик олим .....                                            | 255        |
| Ҳадис илми<br>Б.Абдуллаев, Ҳ.Абиев, Ҳ.Аминов. Илк ҳадис тўпламлари ҳақида<br>янги маълумотлар (давоми бошланиши ўтган сонда) ..... | 257        |
| А.Зайриев. Шарқшуносларнинг ҳадисларга муносабати .....                                                                            | 261        |
| Воззлик илми<br>М.Вахабов. Воззлик илми тарихидан .....                                                                            | 264        |
| Нодир манбалар<br>З.Жураев. Мовардий ва унинг шоҳ асари .....                                                                      | 267        |
| Ислон ва ҳуқуқ<br>А.Тўйчибаев. Сарахсий асарларида дипломатик ҳуқуқ масалалари .....                                               | 271        |
| Тасаввуф – маънавий баркамоллик йўли<br>М.Раҳмонова. Аҳмад Донишнинг тасаввуфга муносабати .....                                   | 273        |
| Н.Жабборов. Яссавия тариқати ва таълимотининг муҳим қирралари<br>(янги топилган манба ва ҳикматлар асосида) .....                  | 276        |
| Ислон ва адабиёт<br>С.Эшонқулова. Нодирабегимнинг наът ва манқабат шеърлари .....                                                  | 280        |
| Адабиёт саҳифаси<br>А.Тожибоев. Мустақил Ўзбекистон деб келдик .....                                                               | 282        |
| Қ.Қаримова. Ҳарбий йигитга. Не кўнгиллар бор .....                                                                                 | 283        |
| М.Неъматуллаева. Ватан. Китоб .....                                                                                                | 283        |
| Н.Ходжаев. Онажон. Талпинар юрак .....                                                                                             | 283        |
| Х.Сапохонов. Сақлагил. Мухтасар пайдо. Кўнглимдаги дардимни ол .....                                                               | 284        |
| Ҳ.Аскар. Яралгандир. Билмассан. Ўзгармасдир .....                                                                                  | 285        |
| Фалсафий мушоҳадалар<br>Б.Тўраев. Онг ва тафаккур – ҳаракат шакли сифатида .....                                                   | 286        |
| С.Очилов. Али ибн Абу Толибнинг билиш назарияси .....                                                                              | 289        |
| Ватанимиз тарихини ўрганамиз<br>Х.Тўраев. Улуғбек фожияси – темурийлар салтанати инқирозининг ибтидоси .....                       | 291        |
| З.Мадрохимов. Қўқон хонлигининг Афғонистон билан савдо алоқалари тарихидан .....                                                   | 295        |
| Суюкли сиймолар<br>Ж.Маматқосимов. Актёрлик санъати – эстетик тарбия воситаси сифатида .....                                       | 298        |
| ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ АВЛОДЛАРИ                                                                                                          |            |
| Ҳадис ва ҳаёт<br>О.Юсупов. Илмнинг фазилати .....                                                                                  | 302        |
| Тилга эътибор – элга эътибор<br>Э.Умаров. Илк ўрта аср (VI–VII асрлар)да ўзбек тили .....                                          | 304        |
| О. Икрамов. Ассимиляция ҳодисасининг қиёсий талқини<br>(ўзбек ва араб тиллари мисолида) .....                                      | 305        |
| Ш.Ҳайитов. Бир сўз хусусидаги баҳс .....                                                                                           | 306        |
| Манбалар таҳлили<br>М.Иўдошев. Қадимий манбалардаги туркий сўзлар .....                                                            | 308        |
| Замонавий таълим воситалари<br>Р.Жураева. Дунёвий ва диний билимларни эгаллашда<br>ахборот технологияларнинг ўрни .....            | 311        |
| Динлар тарихидан<br>Ғ.Бобожонов. Мусулмон олимлари томонидан динлар тарихининг ўрганилиши .....                                    | 313        |
| Ёш тадқиқотчилар<br>Ф.Содиқов. Бухородаги масжид ва медресалар тарихидан (XX асрнинг бошлари) .....                                | 315        |
| Ф.Ҳайитова. Зиёратгоҳларнинг халқимиз тафаккуридаги ўрни<br>(Қашқадарё воҳаси мисолида) .....                                      | 318        |

## Ватанимиз тарихини ўрганамиз

Ҳалим ТўРАЕВ,  
Бухоро давлат университети,  
тарих фанлари доктори

### УЛУҒБЕК ФОЖИАСИ – ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИ ИНҚИРОЗИНИНГ ИБТИДОСИ

Умумжаҳон тарихида ҳукмдорлик тожи ва олимлик унвони ила салтанат сурган атоқли шахслар санокли. Мирзо Улуғбек мусулмон оламида шундай бахтга сазовор бўлган ягона ҳукмдордир. Унинг бахти ҳам, фожиаси ҳам шу икки жиҳатнинг ундаги муштараклигида эди. Темурийлар салтанатининг Ўрта Осиё тарихидаги юксак ўрнини қанчалик эътироф этмайлик, Мирзо Улуғбекнинг қатли салтанат тарихидаги ўчмас доғ эканлигини тан олмасдан иложимиз йўқ. Қатл ҳукмдори жисмонан йўқ қилиш эмас, илм-фан ва маърифатга берилган қаттиқ зарба бўлганини тарих исботлади.

Мирзо Улуғбек фожиасини ўша давр ижтимоий-сиёсий манзарасида кўриб чиқиб, унга ҳолисона баҳо бериш мумкин. Мирзо Улуғбекнинг сиёсий фаолияти ўз даврида ҳам унга шуҳрат келтирмаган. Айниқса, ўғли Абдуллатиф билан муносабатлари унинг сиёсий фаолияти ва тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Мирзо Улуғбек отаси Шохрух (1405–1447) вафот этгунига қадар, пойтахти Самарқанд бўлган Мовароуннахрнинг ҳукмдори эди, холос. У ҳеч қачон олий ҳукмдор саналмаган. Бундай ҳолат Мирзо Улуғбек учун жуда қулай эди. Чунки темурийлар давлатининг умумий аҳволи, ички ва ташқи ҳаётининг назорати Шохрухнинг зиммасида бўлган. Шунга қарамасдан, Улуғбек 1420 йилдан Мовароуннахр ва унинг сарҳадларида юз бераётган сиёсий жараёнларга шўнғиб кетган.

1419 йили Мирзо Улуғбек кўмагида Буроқ ўғлон Ўзбек улуси тахтини эгаллайди. 1420 йил эса Мирзо Улуғбек Шермуҳаммадни қўллаб-қувватлаб, унга Мўғулистон тахтини олиб беради. Шундай қилиб, XV асрнинг 20-йилларида Мирзо Улуғбек Дашти қипчоқ ва Мўғулистонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб, бу ҳудудларни сиёсий таъсирида сақлаб туришга муваффақ бўлади. Лекин Шермуҳаммад Улуғбекнинг ишончини оқламай, тез орада Мовароуннахр ҳудудларига даъво қила бошлади. 1425 йилнинг

февраль ойида Мирзо Улуғбек Шермуҳаммадга қарши юриш бошлаб, ғалабани қўлга киритди. Бу ғалаба Мирзо Улуғбек ҳарбий-сиёсий фаолиятидаги биринчи ва (Тарноб жангини ҳисобга олмаганда) сўнгги ғалаба эди. Самарқандга қайтаверишда у иккита нефрит тошини ўлжа сифатида олиб келди ва соҳибқирон Амир Темурнинг қабрига ўрнатди. Гўёки бу тошлар учун Хитой императорлари катта маблағ таклиф қилишган. Ушбу ғалаба тафсилотлари Илонўтти дарасидаги битикларда ҳам ўз аксини топган.

1425 йилнинг май ойида Самарқандга қайтган Мирзо Улуғбек ғалабани катта тантана билан нишонлайди. Тантаналар Ҳиротда давом эттирилади. 1425 йилнинг сентябрь ойида Мирзо Улуғбек Ҳиротга, отаси Шохрухнинг ҳузурига ташриф буюради ва бу ерда ҳам мазкур ғалаба шарафига зиёфатлар берилади. Лекин шоду хуррамликлар ўзоққа чўзилмади. Мирзо Улуғбекнинг Ўзбек улусидаги ноиб Буроқ ўғлон худди Шермуҳаммад каби Мирзо Улуғбекка итоат ҳалқасидан чиқиб, Сирдарё соҳилидаги ҳудудларга даъво қила бошлайди. Унинг устига юриш бошлаш тўғрисида Улуғбек ўз отаси Шохрухдан маслаҳат сўраганда, Шохрух юриш бошлашни ман этади. Гарчи шундай бўлса-да, лекин бошқа ўғли Муҳаммад Жўгийни ҳам Мирзо Улуғбекка кўмак бериш учун жўнатади. 1427 йил Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Жўгийнинг қўшинлари Сигноққа бориш йўлида бирлашиб, Буроқ ўғлонга қарши жанг бошладилар. Жанг Мирзо Улуғбекнинг мағлубияти билан якун топди.

Мағлубиятдан сўнг Самарқандда Мирзо Улуғбекка қарши муҳолифат пайдо бўлиб, муҳолифат Самарқанд дарвозаларини Мирзо Улуғбек учун ёпишга ҳаракат қилди. Мирзо Улуғбекнинг бахтига Буроқ ўғлон қўшинлари Самарқандга етиб келмай, мамлакатни ғорат қилиб, орқага қайтиб кетади. Мирзо Улуғбекнинг мағлубияти Шохрухни бефарқ қолдирмади. 1427 йил май ойининг

охирларида у катта қўшин билан Ҳиротдан Самарқанд томон отланади. Самарқандга келиб 6 октябргача шу ерда қолиб кетади. Шу давр мобайнида мағлубият айбдорлари жазога тортилди, Улуғбек эса, бир муддат Самарқанд ноиблигидан четлаштирилди. Лекин кейинроқ раҳм-шафқат қилиниб, ўз лавозимига тикланди.

Шарқшунос олима О.Д.Чеховичнинг таъкидлашича, Мирзо Улуғбек сиёсатидан норози гуруҳларнинг пайдо бўлишига 1428 йил Мирзо Улуғбек томонидан ўтказилган пул ислоҳоти ва савдогар ҳамда ҳунармандлардан йиғиладиган "тамеа" солиғининг жорий этилиши сабаб бўлган.

Шу мағлубиятдан сўнг Мирзо Улуғбек йигирма йил мобайнида бирон-бир жиддий ҳарбий юриш қилмаган. Мағлубиятнинг Мирзо Улуғбек учун ижобий жиҳати унинг бутунлай илмий фаолиятга берилиб кетишида кўринади. Бунда отаси Шохрухнинг ҳам хизматлари бор. Чунки у темурийлар салтанатида сиёсий барқарорликни сақлаб туришга, мамлакатнинг у ер бу ерида юз бериб турган ғалаёнларни бостиришга, ташқи хавф-хатарларни бартараф қилишга ҳаракат қилди. Мирзо Улуғбекнинг илм-фан билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратиб берди. Шу даврда Мирзо Улуғбек укалари Бойсунқур мирзо ва Иброҳим султонлар билан адабиёт масалаларига бағишланган ёзишмалар олиб борди. Саройда "амиру-ш-шуаро" унвонига сазовор бўлган Камол Хўжандий, Саккокий каби шоирлар ижод қилди. "Самарқанд академияси"нинг гуллаб-яшнаган даври айнан шу хронологик қисқа йилларга тўғри келади.

Мирзо Улуғбек ҳам ўрта аср сарой маиший ҳаётига дахлдор тартиб-қоида ва удумларга риоя қилишга мажбур эди. Ўз ҳарамидида бир эмас, бир неча аёлларни сақлаш одати ҳукмдор Мирзо Улуғбекни ҳам четлаб ўтмаган. Унинг ҳарамидида олти нафар хотини бўлиб, уларнинг исмлари тарихда сақланиб қолган. Мирзо Улуғбекнинг уларга муносабати бир хил эмас эди. Уларнинг орасида энг суюқлиси (сохта хон Султон Маҳмудхоннинг қизи) Оқсултон хоним бўлган. Лекин тақдир уларни ажратиб юборган. Бир бор Мирзо Улуғбек башоратчи Муҳаммад Ардистонийдан яқин ўртадаги воқеаларнинг қандай кечишини сўраганда, башоратчи унга тез орада хотинларидан бирини ўлдириб, иккинчиси, яъни "хоннинг қизи" Оқсултон хоним билан ажралишини башорат қилади. Мирзо Улуғбек унинг сўзларига ишонмайди, чунки у Оқсултон хонимни жуда севар ва ажралишни

тасаввур ҳам қила олмасди. Лекин башоратчининг сўзлари тўғри чиқади. Мирзо Улуғбекнинг биринчи хотини Оғабегим қатл этилганда, Оқсултон хоним ўз қувончини яширмай, Мирзо Улуғбекнинг ғазабига учрайди. Мирзо Улуғбек уни уч талоқ қилади ва ўрталаридаги ишқ ришталари бир умрга узилади.

1447 йилнинг март ойида воқеа бўлган Шохрухнинг вафоти Мирзо Улуғбекнинг йигирма йиллик сокин, ҳарбий юришлардан холи, илмий маҳсуллар ва кашфиётларга бой ҳаётини ўзгартириб юборди. У энди Темурийлар давлати олий ҳукмдорлигига даъвогар шахзодаларнинг ҳаракатини тизгинлашга мажбур эди. Тож-тахт ворислигининг анъанавий тамойилларига кўра, олий ҳукмдорлик мақоми фақатгина Мирзо Улуғбекка тегишли бўлган. Зеро, Шохрух вафот этганда, унинг етти ўғлидан фақат Мирзо Улуғбек ҳаёт эди, холос. Тахт даъвогарлари эса Мирзо Улуғбекнинг фарзанд ва жиянлари эди. Жумладан, фарзанди Абдуллатиф, жиянлари Алоуддава, Султон Муҳаммад, Абулқосим Бобур.

Шохрух ҳаётлик даврида йўл қўйган хатолар унинг пушти камаридан бўлган фарзандларнинг тақдирига ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Бу ҳақдаги маълумотлар тарихий манбаларда ҳам учрайди. 1446 йил Шохрухнинг невараси Султон Муҳаммад бин Бойсунқур Ғарбий Эроннинг Сова шахрида унга қарши бош кўтаради. Ҳамадон ва Исфахонни эгаллаб, Шерозни қамал қилади. Шохрух неварасига қарши юриш бошлаб уни чекинишга мажбур қилади. Султон Муҳаммад тоғларга қочиб, умрининг қолган беш йилини қувғинликда ўтказади. Совани эгаллаган Шохрух исён айбдорларини қаттиқ жазолайди. Тарихчи Шарафуддин Али Яздий ҳам исёнчиларни қўллаб-қувватлашда айбланиб, шахсан Шохрухнинг ўзи томонидан сўроққа тортилади. Шахзода Абдуллатифнинг асосли кўрсатмаси билан Шарафуддин Али Яздий жазодан қутулиб қолади. Шохрух Сова ташқарисидаги маҳаллий саййид ва раисларни ҳам қаттиқ сўроқ қилиб, ҳибсга олади. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, малика Гавҳаршодбегимнинг қатъий кўрсатмаси билан Шохрух Сова саййидларини қиличдан ўтказади. Академик В.В. Бартольд, агар шундай воқеа Темур ва Улуғбек фаолиятида содир бўлганда, улар саййидларга нисбатан бундай кескин жазони қўлмаган бўлур эдилар, деб бир оз афсус билан ёзади. Ўрта аср муаррихлари Шохрух авлодининг кейинчалик бутунлай қирилиб кетишини



мазкур саййидларнинг қирғини билан боғлашади. Ҳақиқатан, Амир Темурнинг ўғиллари Умаршайх ва Мироншоҳ ворисларидан фарқли ўлароқ Шоҳрухнинг неvara ва чеваралари узоқ яшамади. 1470 йилга келиб Шоҳрух авлодидан ҳеч ким қолмади. Охирги авлоди, яъни чевараси Ёдгор Муҳаммад ибн Султон Муҳаммад 1470 йилда вафот этади. Гарчи тарихчи Абдураззоқ Самарқандий Султон Муҳаммад исёнини атрофлича ёзган бўлса-да, лекин Шоҳрухнинг саййидларга нисбатан қўллаган жазосига негадир муносабат билдирмайди.

Мирзо Улуғбек тақдирини ўғли Абдуллатиф билан муносабатлари ва 1447 йилдан кейинги икки йиллик сиёсий фаолияти белгилаб берди. Абдуллатиф Мирзо Улуғбекнинг тўрт ўғлидан учинчиси эди. У бибиси Гавҳаршодбегим томонидан Ҳиротда бобоси Шоҳрух саройида тарбияланди. Отаси Мирзо Улуғбек сингари илм-фанга қизиқди, астрономия билан шуғулланди. Ҳарбий ишларга лаёқати кучли эди. 1441 йил Абдуллатиф ва Гавҳаршодбегим ўртасида хафагарчиликлар юз бериб, у Самарқандга отаси Мирзо Улуғбекнинг ҳузурига келади. Лекин орадан бир йил ўтгач, бибиси уни яна Ҳиротга олиб кетади. Шу даврдан бошлаб Абдуллатиф бобоси Шоҳрухнинг қарийб барча ҳарбий юришларида иштирок этди ва зимдан Ҳирот тахтига даъвогарлик туйғуси билан яшай бошлади. Мирзо Улуғбекнинг тўртинчи ўғли Абдулазиз эса, Самарқандда, отаси Мирзо Улуғбек тарбиясида камол топди.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Мирзо Улуғбек ва Абдуллатифнинг буржлари бир-бирига тескари бўлган. Ҳар иккаласи ҳам илми нужумни яхши билганлари боис, бу ҳолатдан дуруст хабардор бўлишган. Уларнинг ўртасида муайян адоват ва ишончсизлик мавжуд эди. Иккаласи ҳам бир-биридан хавфсираб яшаган.

Ота билан ўғил ўртасидаги муносабатларнинг совуқлашуви ва охи-окибат адоватга сабаб бўлган омиллар қуйидагилар: Шоҳрух даврида Ҳиротдаги машҳур Ихтиёруддин қалъаси Абдуллатифнинг мулки ҳисобланарди. Имод қалъаси эса, унинг амакиваччаси Алоуддавлга тегишли эди. 1446 йилда Абдуллатиф ўз бобоси Шоҳрух мирзо билан гарбга кетаётиб, Ихтиёруддин қалъасида олтин ва кумушлардан иборат ўз қимматбаҳо мол-мулкни қолдиради. Бир муддат қўлдан кетган қалъа Хуросон юриши даврида Абдуллатиф томонидан қайта қўлга киритилгач, Улуғбек унга

қимматбаҳо мол-мулкни қайтариб олишга рухсат бермайди. Бундан Абдуллатиф жуда ранжийди. Ушбу воқеа, ўз навбатида, ота билан ўғил ўртасидаги муносабатларнинг совуқлашуви сабаб бўлган. Тарноб бўйидаги жанг (1448 й.)дан кейин, яъни ғалаба уни таъминлашда жонбозлик кўрсатган Абдуллатиф номидан эмас, балки унинг укаси Абдулазиз номидан эълон этилгач, муносабатлар янада кескинлашди. Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотларига асосланиб, В.В.Бартольд қизиқ бир фактни келтиради. Улуғбекнинг Хуросонга юриши маҳаллий руҳонийларга маъқул бўлмайди. Мирзо Улуғбек билан Алоуддавлга ўртасида Тарноб жанги бошланишидан олдин Алоуддавлга шайх Баҳоуддинни музокара олиб бориш учун Улуғбекнинг ҳузурига юборади. Лекин шайх етиб боришга улгурмайди, у боргунча машҳур Тарноб жанги бошланиб кетган эди. Шу арафада Улуғбек лашкарлари шайхнинг бисотини талон-тарож этадилар. Жангдан сўнг, Чилдухтарон (ҳозирги Кушка яқинида) деган жойда шайх билан Мирзо Улуғбек ўртасида мулоқот бўлиб ўтади. Мирзо Улуғбек шайхнинг бор бисотини қайтаришга буйруқ беради ва уни рози қилишга интилади. Лекин шайх барибир Улуғбекдан норози бўлиб қолади ва Улуғбекнинг қозийнинг шаръий фатвоси билан ўз ўғли томонидан ўлдирилишини башорат қилади.

1449 йилнинг баҳорида Абдуллатифга қарашли бўлган ерларда темурийлар хонадонига мансуб ҳисобланган Мироншоҳ томонидан кўтарилган қўзғолондан сўнг, Абдуллатиф отаси Улуғбекка қарши очиқ-ойдин курашга ўтди. Абдуллатиф, Мироншоҳ қўзғолонини бостиргач, қўзғолон раҳбарининг ёнидан Мирзо Улуғбекнинг мактубини топиб олади. Унинг мазмунидан Мироншоҳ қўзғолони гўё Мирзо Улуғбек томонидан Абдуллатифга қарши махсус уюштирилган деган маъно келиб чиқади.

Темурийлар даври тарихчиси Абдураззоқ Самарқандий Улуғбек ва Абдуллатиф ўртасидаги муҳолифатчиликнинг қуйидаги тўрт сабабини кўрсатиб ўтади: биринчиси, Мирзо Улуғбек Ихтиёруддин қалъасида сақланган хазинани унга бермади, иккинчиси, бир неча йиллар улғуворлик билан ўтказгани Ҳирот шаҳрида уни ғоятда фалокатли вақтда қолдириб кетди, учинчиси, Бистом, Машҳад ва Ҳирот чегараларида уни душман оғзига ташлаб қўйиб, унинг вужудини йўқдек ҳисоблади ва тўртинчиси, ҳаммадан ёмонроғи шуки, унинг укаси мирзо Абдулазизни ҳамма жиҳатдан мирзо Абдуллатифдан юқори қўйди.



Тўпланиб қолган ушбу сабаблар оқибати ўлароқ, Абдуллатиф отасига қарши очик ҳарбий ҳаракат бошлади ва ўз қўшинларини Амударёнинг кечув соҳилида тўлади. Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф қўшинлари Амударёнинг икки қарама-қарши соҳилида узоқ туриб қолдилар. Мироншоҳ авлодидан бўлган бошқа бир темурийзода Абу Саиднинг арғун қабилалари қўллаб-қувватлаши билан Самарқандга ҳужум қилганини эшитган Мирзо Улуғбек, тезда Самарқандга қайтиб Абу Саидни чекинишга мажбур этади. Бундай вазиятдан фойдаланган Абдуллатиф Амударёдан кечиб ўтиб, Термиз ва Шаҳрисабзни эгаллайди. 1449 йилнинг сентябрида ота билан ўғил ўртасида Самарқанд атрофлари тўқнашув бўлиб ўтади ва Мирзо Улуғбек қўшинлари мағлубиятга учрайди. Самарқанд шаҳридан паноҳ топмоқчи бўлган Мирзо Улуғбек учун шаҳар қалъаси дарвозалари беркитиб қўйилади. Мирзо Улуғбекнинг ўзи томонидан қалъа қутволи этиб тайинланган Мироншоҳ қавчин уни қалъага киритмади. Мирзо Улуғбек ўғли Абдулазиз ва бир неча садоқатли навкарлар ҳамроҳлигида шимолга чекиниб, Шохрухия қалъасига етиб келади. Мирзо Улуғбек итоатида бўлган шаҳар доруғаси Иброҳим мамлук Мирзо Улуғбекни Шохрухияга киритиш эмас, аксинча уни ушлаб олиб Абдуллатифнинг ҳузурига жўнатмоқчи бўлади. Лекин Мирзо Улуғбек ихтиёрий равишда ўғли Абдуллатифнинг ҳузурига бош эгиб келади ва ўзи ва суюкли фарзанди Абдулазизни унинг ихтиёрига топширади. Ҳокимиятни эгаллаган Абдуллатиф отаси Мирзо Улуғбекка ҳажга боришга рухсат беради, ўзи эса махфий равишда уни қатл этиш тўғрисида фатво чиқаради. Мирзо Улуғбек бир неча навкар ва ҳожи Муҳаммад Хисрав кузатувида ҳажга отланади. Кайфияти чоғ ҳукмдор Самарқанд яқинидаги қишлоқлардан бирига етганда, орқадан бир чигатойи етиб келиб, ҳаракатни тўхтатиб туриш тўғрисидаги Абдуллатиф буйруғини эълон қилди. Буйруқдан ранжиган Мирзо Улуғбек қишлоқдаги хонадонлардан бирига кириб, ҳаво салқин бўлганлиги боис, ўт ёқишни ва гўшт қайнатишни буюрди. Баногоҳ олов парчаси Мирзо Улуғбек устидаги олтой пўстинининг этагини куйдириб қўяди. Шунда ҳукмдор оловга қараб туркий алфозда: "Сен ҳам билдинг", — дейди ва кайфияти бузилади. Ҳожи Муҳаммад Хусрав қанчалик уринмасин, Мирзо Улуғбекнинг кайфиятини кўтара олмайди. Бирдан улар ўтирган хонанинг эшиги очилиб, ёнида бир киши билан Аббос исми

кимса бостириб киради. Мирзо Улуғбек ўша кимсани кўриши билан унга ташланади. Аббоснинг шериги Мирзо Улуғбекни ушлаб, унинг устидаги олтой пўстинини ечиб олади. Ҳукмдорнинг қўлларини боғлаб ҳовлига олиб чиқишади. Мирзо Улуғбекнинг ҳамроҳлари довдираб қолиб, бунга қарши бирон-бир чора кўришолмайди ва хона бурчакларида бекиниб олишади. Аббос Мирзо эса Улуғбекни чироқнинг олдига ўтқизиб, бир зарб билан бошини танасидан жудо қилади. Бу машғум воқеа 1449 йилнинг 27 октябрида содир бўлади.

Мирзо Улуғбекнинг қотили Аббоснинг Мирзо Улуғбекка шахсий хусумати бор эди. Абдуллатиф Самарқанд тахтига ўтиргач, бир неча киши унга мурожаат қилиб, Мирзо Улуғбек уларнинг одамларини ноҳақ ўлдирганини билдиришади ва Мирзо Улуғбекнинг хунини талаб қилишади. Уларнинг орасида Аббос ҳам бор эди. Абдуллатиф эса бу иш шариат доирасида бўлса, рухсат беришини билдиради.

Мирзо Улуғбекнинг қатл этилишини барча ўрта аср муаллифлари афсус ва надомат билан тилга олишади. Қатл тафсилотларини яхши билган Абдураззоқ Самарқандий ушбу воқеани тўла баён этишдан очик бош тортади ва уни мухтасар сатрларда ифода этиш билан чекланади.

Мирзо Улуғбекнинг ўлими темурийлар давлатидаги сиёсий, маданий, илмий муҳитни ўзгартириб юборди. Яхлит давлатни суюрол тариқасида шахзодаларга тақсимлаб бериш кучайиб кетди. Самарқанд илгариги сиёсий, илмий, маданий марказ мавқеини йўқотди ва темурийларнинг провинциал шахрига айланиб қолди. Темурийлар давлати бир-бирдан мустақил майда бўлақларга бўлиниб кетди.

Жаҳондаги бошқа обсерваториялар илм-фанга узоқ хизмат қилган бўлса, Мирзо Улуғбек обсерваторияси унинг вафотидан сўнг ўз фаолиятини бутунлай тўхтатди. Бунинг оқибати ўлароқ табиий фанларга қизиқиш ва улар билан шуғулланиш тамоман сўнди.

